



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 4 » sentabr № 443

Toshkent sh.

Божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган нақд валюта маблағларини декларациялаш ҳамда божхона омбори, эркин омбор ва бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини лицензиялаш қоидалари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Жисмоний шахслар томонидан олиб кирилаётган ва олиб чиқиб кетилаётган нақд валюта маблағини божхона назоратидан ўтказиш тартиби ҳамда назорат қилиниши божхона органлари зиммасига юклатилган бўлиб, сўнгги йилларда божхона органлари томонидан фаолиятни лицензиялаш қоидалари такомиллаштириб борилмоқда.

Шунингдек, божхона чегаралари орқали нақд валюта маблағларини олиб ўтишда декларациялаш қоидаларининг мураккаблиги, божхона омбори, эркин омбор ва бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини лицензиялаш ушбу соҳадаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мос эмаслиги божхона расмийлаштируви жараёнида кўплаб муаммолар келтириб чиқармоқда.

Божхона маъмуриятчилигида валюта маблағи назоратини амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, лицензиялаш ва рухсат бериш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини янада соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

жисмоний шахслар томонидан нақд валюта маблағларини олиб ўтишда йўловчи божхона декларациясини тўлдириш қоидаларига ўзгартириш киритиш ва жисмоний шахсларга декларация тўлдириш қоидаларини тушунтириш;

божхона омбори, эркин омбор ва бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини тартибга солувчи лицензияга ўзгартириш киритиш;

маъмурий ислохотларни амалга ошириш натижасида тегишли давлат бошқаруви органлари номларига тузатишлар киритиш.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси раиси А.Ю. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “4” сентябрдаги 443 -сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 январдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси нақд валютаси ва нақд чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш қоидаларда:

а) 2-бандда:

биринчи хатбошидаги “70 000 000 (етмиш миллион)” сўзлари “100 000 000 (юз миллион)” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “Йўловчи божхона декларациясида” сўзлари “Йўловчи божхона декларацияси тўлдирилганда,” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Жисмоний шахслар томонидан олиб кирилаётган ва олиб чиқиб кетилаётган 100 000 000 (юз миллион) сўм эквивалентига тенг ёки ундан ошмайдиган миқдордаги нақд валюта маблағлари ҳам декларация қилиниши мумкин”;

в) қуйидаги мазмундаги 8¹-банд билан тўлдирилсин:

“8¹. Жисмоний шахслар декларация тўлдириш талаб этиладиган белгиланган эквивалентдан ортиқ миқдордаги нақд валюта маблағларини божхона назорати шакллари қўлланилмасдан олдин декларацияламаган ҳолда божхона органлари ходимларига маслаҳат олиш мақсадида тақдим этганда, божхона органлари ходимлари томонидан жисмоний шахсларга декларация тўлдириш қоидалари билан боғлиқ умумий тушунтиришлар берилади”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Божхона омбори, эркин омбор ва бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини лицензиялаш юзасидан давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 9 апрелдаги 210-сон қарорида:

а) 1-иловада:

2-банднинг еттинчи хатбошисидаги, 10-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 30-банднинг ўн бешинчи хатбошисидаги, 42-банддаги, 68-банддаги, 74-банддаги, 79-банднинг бешинчи хатбошисидаги, 81-банддаги ва 88-банддаги “Давлат божхона қўмитасининг” ва “Давлат божхона қўмитаси” сўзлари тегишлича “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг” ва “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

13-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“мазкур Регламентнинг 5-бобида назарда тутилган ҳолатларда ўзгартирилган талабгорнинг сўровномасига кўра – ўзгартирилган лицензия”;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

45-банднинг бешинчи хатбошиси “мутаносиб бўлиши” сўзларидан кейин “, лекин ушбу муддат ўттиз иш кунидан ортиқ бўлмаслиги” сўзлари билан тўлдирилсин;

54-банддаги “уч ой ичида” сўзлари “ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-боб қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“5-боб. Лицензияни қайта расмийлаштириш ва ўзгартириш

57. Лицензиат ўзгартирилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин беш иш куни ичида лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни киритган ҳолда, ушбу Регламентнинг 35-37-бандларида кўрсатилган тартибда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида махсус электрон тизим ёки ЯИДХП орқали мурожаат қилиши шарт.

Бунда талабгор мазкур Регламентга 3-иловадаги 2-шаклга мувофиқ божхона омбори фаолиятига лицензия бериш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш учун сўровнома тўлдиради.

Лицензия қайта расмийлаштирилгунига қадар лицензиат лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризаси асосида унда кўрсатилган фаолиятни амалга оширади.

Лицензияловчи орган лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида тегишли ҳужжатлар киритилган сўровномани олган кундан эътиборан беш иш кунида лицензияни қайта расмийлаштиради.

Лицензияни қайта расмийлаштириш учун мазкур Регламентнинг 78-бандида кўрсатилган миқдорда йиғим ундирилади.

58. Лицензия лицензиатнинг махсус электрон тизим ёки ЯИДХП орқали мурожаатига асосан қуйидаги ҳолларда ўзгартирилиши мумкин:

лицензиатнинг фаолиятни амалга ошириш манзили ўзгарганда;

божхона омбори биноларининг ҳажми ва (ёки) очик майдончалари кенгайтирилганда ва (ёки) қисқартирилганда;

божхона омборининг тури ўзгарганда.

Лицензияни ўзгартиришда лицензияни бериш учун назарда тутилган тартибларга амал қилинади.

Лицензия ўзгартирилганда, мазкур Регламентнинг 76-бандида кўрсатилган миқдорда давлат божи ва 78-бандида кўрсатилган миқдорда йиғим ундирилади.

59. Лицензияловчи орган лицензияни қайта расмийлаштиришда ва (ёки) ўзгартиришда, лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади”;

76-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“76. Фаолият турига лицензия берилганлиги учун “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларининг миқдорлари 22-бандига мувофиқ давлат божи ундирилади.

Божхона омбори биноларининг ҳажми ва (ёки) очиқ майдончалари кенгайиши, қисқариши, унинг тури, ташкил этилган ҳудуддаги (манзилдаги) жойлашган жойи ўзгариши муносабати билан лицензия ўзгартирилганда, давлат божи мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган тўланадиган сумманинг эллик фоизи миқдорида ундирилади.

Лицензия қайта расмийлаштирилаётганда, давлат божи ундирилмайди”;

78-банднинг иккинчи хатбоши “қайта расмийлаштирилаётганда” сўзларидан кейин “ва (ёки) ўзгартирилаётганда” сўзлари билан тўлдирилсин;

1-иловининг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

Божхона омбори фаолиятини лицензиялаш
юзасидан давлат хизматларини кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
1-илова



**О‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi
Bojxona qo‘mitasi**

_____-son
LITSENZIYA

Bojxona ombori faoliyatini litsenziyalash

Litsenziat nomi va uning tashkiliy-huquqiy shakli

Litsenziya reestri bo‘yicha tartib raqami

STIR (soliq to‘lovchining identifikatsiya raqami)

Litsenziya berilgan sana

Joylashgan joyi (pochta manzili)

Faoliyat manzili

Bojxona ombori turi

m²: _____

m³: _____

Binolar va (yoki) ochiq maydonchalar

Litsenziya beruvchi organ:

Litsenziya berilgan sana:

QR-kod

”;

2-иловада:

2-босқич позициясидаги “Давлат божхона қўмитасининг” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

6 ва 7-босқич позицияларидаги “3 ой” сўзлари “30 кун” сўзлари билан алмаштирилсин;

4-иловада:

5-банддаги “Давлат божхона қўмитаси” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

8 ва 9-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

8. Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим миқдори	Кўриб чиққанлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи. Лицензия қайта расмийлаштирилаётганда ва (ёки) ўзгартирилаётганда, лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиққанлик учун тўланадиган сумманинг 50 фоизи миқдорида.
9. Лицензия берилганлиги учун давлат божи миқдори	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари. Лицензия ўзгартирилганда, лицензия берилганлиги учун тўланадиган божнинг эллик фоизи миқдорида. Лицензия қайта расмийлаштирилаётганда, давлат божи ундирилмайди.

”;

б) 2-иловада:

2-банднинг бешинчи хатбошисидаги, 28-банднинг ўн бешинчи хатбошисидаги, 40-банддаги, 66-банддаги, 72-банддаги, 77-банднинг бешинчи хатбошисидаги, 79-банддаги ва 86-банддаги “Давлат божхона қўмитасининг” ва “Давлат божхона қўмитаси” сўзлари тегишлича “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг” ва “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

11-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“мазкур Регламентнинг 5-бобида назарда тутилган ҳолатларда ўзгартирилган талабгорнинг сўровномасига кўра – ўзгартирилган лицензия;”;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

43-банднинг бешинчи хатбошисидаги “мутаносиб бўлиши” сўзларидан кейин “лекин ушбу муддат ўтгиз иш кунидан ортиқ бўлмаслиги” сўзлари билан тўлдирилсин;

52-бандда “уч ой ичида” сўзлари “ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-боб куйидаги тахрирда баён этилсин:

“5-боб. Лицензияни қайта расмийлаштириш ва ўзгартириш

55. Лицензиат ўзгартирилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин беш иш куни ичида лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни киритган ҳолда, ушбу Регламентнинг 35-37-бандларида кўрсатилган тартибда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида махсус электрон тизим ёки ЯИДХП орқали мурожаат қилиши шарт.

Бунда, талабгор мазкур Регламентга 3-иловадаги 2-шаклга мувофиқ божхона омбори фаолиятига лицензия бериш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш учун сўровнома тўлдиради.

Лицензия қайта расмийлаштирилгунига қадар лицензиат лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризаси асосида унда кўрсатилган фаолиятни амалга оширади.

Лицензияловчи орган лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида тегишли ҳужжатлар киритилган сўровномани олган кундан эътиборан беш иш кунида лицензияни қайта расмийлаштиради.

Лицензия қайта расмийлаштириш учун мазкур Регламентнинг 76-бандида кўрсатилган миқдорда йиғим ундирилади.

56. Лицензия лицензиатнинг махсус электрон тизим ёки ЯИДХП орқали мурожаатига асосан куйидаги ҳолларда ўзгартирилиши мумкин:

лицензиатнинг фаолиятни амалга ошириш манзили ўзгарганда;

эркин омбор биноларининг ҳажми ва (ёки) очиқ майдончалари кенгайтирилганда ва (ёки) қисқартирилганда.

Лицензияни ўзгартиришда, лицензияни бериш учун назарда тутилган тартибларга амал қилинади.

Лицензия ўзгартирилганда, мазкур Регламентнинг 74-бандида кўрсатилган миқдорда давлат божи ва 76-бандида кўрсатилган миқдорда йиғим ундирилади.

57. Лицензияловчи орган лицензияни қайта расмийлаштиришда ва (ёки) ўзгартиришда, лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади”;

74-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

“74. Фаолият турига лицензия берилганлиги учун “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан тасдиқланган Давлат божи ставкалари миқдорларининг 22-бандига мувофиқ давлат божи ундирилади.

Эркин омбор биноларининг ҳажми ва (ёки) очиқ майдончалари кенгайиши, қисқариши, унинг ташкил этилган ҳудуддаги (манзилдаги) жойлашган жойи ўзгариши муносабати билан лицензия ўзгартирилганда, давлат божи мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган тўланадиган сумманинг эллик фоизи миқдорида ундирилади.

Лицензия қайта расмийлаштирилаётганда, давлат божи ундирилмайди”;

76-банднинг иккинчи хатбошиси “қайта расмийлаштирилаётганда” сўзларидан кейин “ва (ёки) ўзгартирилаётганда” сўзлари билан тўлдирилсин;

1-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

Эркин омбори фаолиятини лицензиялаш
юзасидан давлат хизматларини кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
1-илова



**O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi
Bojxona qo‘mitasi**

_____-son
LITSENZIYA

Erkin ombor faoliyatini litsenziyalash

Litsenziat nomi va uning tashkiliy-huquqiy shakli

Litsenziya reestri bo‘yicha tartib raqami

STIR (soliq to‘lovchining identifikatsiya raqami)

Litsenziya berilgan sana

Joylashgan joyi (pochta manzili)

Faoliyat manzili

Bojxona ombori turi

m²: _____

m³: _____

Binolar va (yoki) ochiq maydonchalar

Litsenziya beruvchi organ:

Litsenziya berilgan sana:

QR-kod

”
;

2-иловада:

2-босқич позициясидаги “Давлат божхона кўмитасининг” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Божхона кўмитасининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

6 ва 7-босқич позицияларидаги “3 ой” сўзлари “30 кун” сўзлари билан алмаштирилсин;

4-иловада:

5-банддаги “Давлат божхона кўмитаси” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Божхона кўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

8 ва 9-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

8. Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим миқдори	Кўриб чиққанлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи. Лицензия қайта расмийлаштирилаётганда ва (ёки) ўзгартирилаётганда, лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиққанлик учун тўланадиган сумманинг 50 фоизи миқдорида.
9. Лицензия берилганлиги учун давлат божи миқдори	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари. Лицензия ўзгартирилганда, лицензия берилганлиги учун тўланадиган божнинг эллик фоизи миқдорида. Лицензия қайта расмийлаштирилаётганда, давлат божи ундирилмайди.

”.

в) 3-иловада:

2-банднинг саккизинчи хатбошисидаги, 36-банддаги, 38-банднинг еттинчи хатбошисидаги, 62-банддаги, 68-банддаги, 73-банднинг бешинчи хатбошисидаги, 75-банддаги, 78-банднинг иккинчи хатбошисидаги ва 81-банддаги “Давлат божхона кўмитасининг” ва “Давлат божхона кўмитаси” сўзлари тегишлича “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Божхона кўмитасининг” ва “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Божхона кўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

13-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“мазкур Регламентнинг 5-бобида назарда тутилган ҳолатларда ўзгартирилган талабгорнинг сўровномасига кўра – ўзгартирилган лицензия”;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

39-банднинг бешинчи хатбошиси “мутаносиб бўлиши” сўзларидан кейин “лекин ушбу муддат ўттиз иш кунидан ортиқ бўлмаслиги” сўзлари билан тўлдирилсин;

48-банддаги “уч ой ичида” сўзлари “ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-боб куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5-боб. Лицензияни қайта расмийлаштириш ва ўзгартириш

51. Лицензиат ўзгартирилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин беш иш куни ичида лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни киритган ҳолда, ушбу Регламентнинг 29-31-бандларида кўрсатилган тартибда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида махсус электрон тизим ёки ЯИДХП орқали мурожаат қилиши шарт.

Бунда талабгор мазкур Регламентга 4-иловадаги 2-шаклга мувофиқ бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятига лицензия бериш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш учун сўровнома тўлдиради.

Лицензия қайта расмийлаштирилгунига қадар лицензиат лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризаси асосида унда кўрсатилган фаолиятни амалга оширади.

Лицензияловчи орган лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида тегишли ҳужжатлар киритилган сўровномани олган кундан эътиборан беш иш кунида лицензияни қайта расмийлаштиради.

Лицензияни қайта расмийлаштириш учун мазкур Регламентнинг 72-бандида кўрсатилган миқдорда йиғим ундирилади.

52. Лицензия лицензиатнинг махсус электрон тизим ёки ЯИДХП орқали мурожаатига асосан куйидаги ҳолларда ўзгартирилиши мумкин:

лицензиатнинг фаолиятни амалга ошириш манзили ўзгарганда;

бож олинмайдиган савдо дўконининг савдо заллари, ёрдамчи бинолари ва омборларининг ҳажми ва (ёки) очиқ майдончалари кенгайтирилганда ва (ёки) қисқартирилганда;

бож олинмайдиган савдо дўконининг тури ўзгарганда.

Лицензияни ўзгартиришда лицензияни бериш учун назарда тутилган тартибларга амал қилинади.

Лицензия ўзгартирилганда, мазкур Регламентнинг 70-бандида кўрсатилган миқдорда давлат божи ва 72-бандида кўрсатилган миқдорда йиғим ундирилади”;

53. Лицензияловчи орган лицензияни қайта расмийлаштиришда ва (ёки) ўзгартиришда, лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади”;

70-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“70. Фаолият турига лицензия берилганлиги учун “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан тасдиқланган Давлат божи ставкалари миқдорларининг 22-бандига мувофиқ давлат божи ундирилади.

Бож олинмайдиган савдо дўконининг савдо заллари, ёрдамчи бинолари ва омборининг ҳажми ва (ёки) очиқ майдончалари кенгайиши, қисқариши, унинг тури, ташкил этилган ҳудуддаги (манзилдаги) жойлашган жойи ўзгариши муносабати билан лицензия ўзгартирилганда, давлат божи мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган тўланадиган сумманинг эллик фоизи миқдорида ундирилади.

Лицензия қайта расмийлаштирилаётганда, давлат божи ундирилмайди”;

72-банднинг иккинчи хатбошидаги “қайта расмийлаштирилаётганда” сўзларидан кейин “ва (ёки) ўзгартирилаётганда” сўзлари билан тўлдирилсин;

1-иловининг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

Бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини
лицензиялаш юзасидан давлат хизматларини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
1-илова



**O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi
Bojxona qo‘mitasi**

**_____ -son
LITSENZIYA**

Boj olinmaydigan savdo do‘koni faoliyatini litsenziyalash

Litsenziat nomi va uning tashkiliy-huquqiy shakli

Litsenziya reestri bo‘yicha tartib raqami

STIR (soliq to‘lovchining identifikatsiya raqami)

Litsenziya berilgan sana

Joylashgan joyi (pochta manzili)

Faoliyat manzili

Bojxona ombori turi

m²: _____

m³: _____

Binolar va (yoki) ochiq maydonchalar

Litsenziya beruvchi organ:

Litsenziya berilgan sana:

QR-kod

”
,

3-иловада:

2-босқич позициясидаги “Давлат божхона қўмитасининг” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

6 ва 7-босқич позицияларидаги “3 ой” сўзлари “30 кун” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-иловада:

5-банддаги “Давлат божхона қўмитаси” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

8 ва 9-бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

8. Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим миқдори	Кўриб чиққанлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи. Лицензия қайта расмийлаштирилаётганда ва (ёки) ўзгартирилаётганда, лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиққанлик учун тўланадиган сумманинг 50 фоизи миқдорида.
9. Лицензия берилганлиги учун давлат божи миқдори	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари. Лицензия ўзгартирилганда, лицензия берилганлиги учун тўланадиган божнинг эллик фоизи миқдорида. Лицензия қайта расмийлаштирилаётганда, давлат божи ундирилмайди.

”

